



АВИАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни авиация соҳасидаги давлат корхоналари трансформацияси бўйича тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда авиация хизматлари бозорида хусусий секторга кенг йўл очилди. Авиакомпаниялар сони 15 тага, жумладан, хусусийлари 10 тага етди. Ўтган йилнинг ўзига 28 та янги самолёт олиб келинди. Буларнинг натижасида охириги етти йилда рейслар 2 баробар кўпайган. Самарқанд аэропорти хусусий шерикликка берилгани ҳисобига йўловчи оқими 4 қарра ошиб, 1 миллионга етган.

Шунга қарамадан, ўтган йили авиация хизматлари ҳажми бор-йўғи 11,6 фоиз ўсган. Мамлакатимиз стратегиясида 2030 йилга қадар авиақатновлар сонини 4 қарра ошириш режалаштирилган. Унга эришиш учун соҳада йиллик ўсиш суръатлари 20 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Бу инфратузилма, бошқарув, нарх ва сифат борасида тизимли ишларни талаб этади. Юртимизда авиакомпаниялар нархи нисбатан қimmat. Ҳам ҳудудий, ҳам хорижий рейслар сони талабга қараганда кам. Парвозларнинг асосий қисми ҳалигача Тошкент ва Самарқанд аэропортларига тўғри келади. Аэропортларда ҳаво кемалари ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш имкониятлари чекланган, қўшимча хизматлардан даромад жами тушунинг бор-йўғи 7 фоизини ташкил қилади. Тошкент, Навоий, Наманган аэропортлари транзит салоҳияти тўлиқ ишга солинмаётти.

Тақдимотда “Uzbekistan Airways” ва “Uzbekistan Airports” акциядорлик жамиятларида трансформация жараёнларини тезлаштириш,

хизмат турлари ва даромадни кўпайтириш бўйича жорий йилги режалар баён қилинди.

Хусусан, миллий авиакомпанияга халқаро кредит рейтингини олиб, уни “IPO”га чиқариш жараёни бошланади. Бухоро, Наманган, Урганч ва Андижон аэропортлари хусусий бошқарувга берилиб, модернизация қилинади. Жорий йилда рейслар сони 20 фоизга оширилади.

Соҳада харажатларни 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилади. Ёнилғи сарфи юқори бўлган эски самолётлар сотилиб, замонавий ва тежамкор ҳаво кемалари олиб келинади. 72 та йўналиш бўйича оптимал парвозлар маршрутини танлаш орқали ёнилғи сарфи сезиларли камайтиради. Фойдаланилмаётган ва даромад келтирмаётган активлар сотувга чиқарилади.

Мутасаддиларга харажатларни қисқартириш дастурини тасдиқлаб, хизматлар рақобатдошлигини ошириш, хусусий шериклик лойиҳаларини тезлаштириш бўйича топшириқлар берилди. Аэропортларда қўшимча хизматларни кўпайтириш, Навоий аэропортида самолётларга техник хизмат кўрсатишни ривожлантириб, унинг салоҳиятини тўлиқ ишга солиш зарурлиги таъкидланди.

Давлат авиакомпанияларига хорижий малакали мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек, кадрлар тайёрлашни яхшилаш масалалари ҳам айтиб ўтилди.

ЎЗА

IT-ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни IT-хизматлар инфратузилмаси ва экспортини ривожлантиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Бу ҳақда ўтган йили 20 декабрь куни Рақамли технологиялар вазирлигида бўлган видеоселектор йиғилишида топшириқ берилган эди.

Ҳозирги кунда IT-парк резидентлари сони 1 минг 700 тага етиб, уларда 26 минг ҳарид фаолият кўрсатмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида резидентлар сонини 10 баробар ошириб, улардаги иш ўринларини 100 мингтага етказиш, соҳада экспорт ҳажмини 5 миллиард долларга олиб чиқиш белгиланган.

Шу мақсадда ҳудудларга IT-экспортчи ташкилотларни кенг жалб қилишга қаратилган “Zero Risk” дастурини қўллаш таклиф этилмоқда. Бу дастурда иштирок этувчи корхоналарга IT-парк тавсияномаси асосида бўш турган давлат бинолари 1 йилгача муддатга текин фойдаланишга берилади. Бу муддат тугагач, тўғридан-тўғри шартнома тузилади. IT-парк томонидан техника ва жиҳозлар 1 йилгача муддатга текин фойдаланишга берилади.

Бу корхоналар фаолиятини ривожлантириши учун ҳам қатор имтиёзлар назарда тутилмоқда. Жумладан, ушбу дастур бўйича корхоналарга

ҳодимларни ишга олиш ва малакасини ошириш харажатлари 50 фоизгача қоплаб берилади. Маҳаллий IT-компанияларини халқаро миқёсга олиб чиқиш бўйича “Local to Global” лойиҳаси амалга оширилади. Унга кўра, маҳаллий IT-компанияларнинг ҳақон бозорига чиқиши, халқаро кўрғазмаларда қатнашиши, хорижий экспертларни таклиф этишида харажатларнинг 50 фоизгача қисми қоплаб берилади.

Тақдимотда “рақамли инклюзивлик” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳам ахборот берилди. Ёшлар, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларда IT-хизматлар кўрсатиш кўникмалари шакллантирилади. Натижада 9 мингта иш ўрни яратилиши, жумладан, 5 мингта яқин аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлиги таъминланиши мўлжалланган.

Умуман, “рақамли инклюзивлик” лойиҳаси натижада 25 минг нафар шахсни иш билан таъминлаш ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, қўшимча кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАСЪУЛИЯТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Жорий йил 5 февраль куни мамлакатимиз ижтимоий соҳаларидаги устувор вазибалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда бугунимиз ва эртанги кунимизга дахлдор муҳим масалалар ўртага ташланди, асосли фикрлар билдирилди, ташаббуслар илгари сурилди. Дастлаб сўнгги кунларда рўй берган ҳодисалар, тинчлик ва барқарорликка таҳдидлар хусусида сўз борди. Давлатимиз раҳбари бугунги чақириқлар ва таҳдидлар моҳиятини очиб, маънавият, ватанпарварлик, ҳушёрликнинг аҳамиятини аниқ-тиниқ тушунтириб берди.

Йиғилишда белгиланган вазибалар қаторида олий таълим мазмуни ва стандартларини шаблонли мезонлардан холи тарзда хорижий тажрибага асосланиб, юртимизда яратилаётган замонавий индустрия ва технологиялар талабига мувофиқлаштириш зарурати кўрсатилди. Таълимнинг ўзгарган ва янгиланаётган босқичлари билан олий таълим узлуқсизлигини мазмунан боғлаб, мутлақо янги ҳуқуқий базада ўзгаришлар амалга ошириш топшириқлари берилди.

Ўзбекистон олий таълим тизимида ҳақиқий туб ўзгаришларни амалга ошириш, дунёнинг илғор тажрибаларини табиқ этиш вазибаси бундан етти йил муқаддам, яъни 2017 йилдан эътиборан, Ўзе-

кстон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан белгиланган эди.

Ўтган давр мубайнида олий таълим тизимини такомиллаштиришга асос бўла оладиган ўзгаришлар амалга ошди. Бу вақтда мазкур тизимнинг ташкилий, тузилмавий ва ҳуқуқий асослари янгиланди, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси, академик мустақиллик, олий ўқув юрларининг ҳуқуқий-ташкилий турлари дунё тажрибасига мувофиқлашиб ривожланиши каби масалалар ечимини топа бошлади.

➤ Давоми 5-бетда

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ “ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган кенг қўламли ислохотларни 2024 йилда самарали амалга ошириш, халқимизнинг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатларни изчил давом эттириш, “яшил иқтисодиёт” тамойиллариغا асосланган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, экологик ҳолатни яхшилаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан унумли фойдаланиш стандартларини кенг жорий қилиш ҳамда халқ манфаатларига йўналтирилган бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. 2024 йил 1 мартдан бошлаб алоҳида ишлаш талаб этиладиган, шунингдек, истеъдодли ва иқтидорли ёшлар Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси қарори билан “Ёшлар баланси” асосида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим ташкилотлари раҳбарларига бириктирилсин. Бунда мазкур раҳбарлар:

ҳар ойда камида бир маротаба ўзларига бириктирилган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, ҳаёта ўз ўрнини топиши, шунингдек, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳар томонлама қўмаклашиб борсин;

ўзларига бириктирилган ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш учун тегишли ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан зарур маблағларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида йўналтиришга рухсат этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси, кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида:

а) оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилсин;

б) 2024 йил 1 июндан бошлаб қулайдаги назарда тутувчи “Ёш тадбиркор” танловларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин:

Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) ҳамда ёшлар бириктирилган вазирлик ва идоралар белгилансин.

2. Ёшларнинг салоҳияти, истеъдоди ва ташаббусларини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида:

2024 йил 1 мартдан бошлаб маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар тизимида мукофот жамғармаси 600 миллион сўм миқдоридида хорижий тиллар (“Ибрат фарзандлари”) бўйича танловлар, киберспорт мусобақалари ва “Заковат” интеллектуал ўйинлари юқори савияда ташкил этилсин;

Ёшлар ишлари агентлиги ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан касблар танловида голиб бўлган ёшларни ўз ҳудудларида жиҳозланган ўстаханалар билан “Ёшлар дафтери” жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминлаш амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) белгилансин.

3. Ёшлар ишлари агентлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг экология, соғлом турмушни тарғиб қилиш каби ижтимоий аҳамиятга молик 100 та волонтерлик лойиҳалари бўйича биринчи босқичда базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача маблағни танлов асосида ажратиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида:

а) оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилсин;

б) 2024 йил 1 июндан бошлаб қулайдаги назарда тутувчи “Ёш тадбиркор” танловларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин:

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан танлов асосида “маҳалла — туман — вилоят — республика” босқичларида ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳа ва гоёлари сараланади. Бунда, ногиронлиги бўлган ёш тадбиркорларнинг лойиҳа ва гоёларига алоҳида эътибор қаратилади;

республика босқичида саралашдан ўтган ҳар бир лойиҳага базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваригача миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилади;

голиб бўлган бизнес лойиҳа ва гоёлар эгалари Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан хорижий давлатларга малака оширишга юборилади.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Савдо-саноат палатаси (Д.Вахобов) ва Ўзбекистон ногиронлар уюшмаси белгилансин.

5. 2024 йил 1 мартдан бошлаб “Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи” дастури жорий этилсин.

Бунда, ушбу дастур доирасида: маҳаллаларда ёшлар етакчилари томонидан маҳалла фаоллари иштирокида ахборот технологиялари ва компютер дастурлаш соҳасига қизиқувчи ёшлар аниқланиб, уларни инглиз ва бошқа хорижий тилларга ўқитиш ҳамда сертификатлар олишни ташкил этиш, сертификат олган ёшлар тўғрисида маълумотларни Рақамли технологиялар вазирлигининг махсус ахборот тизимида киритиб бориш амалиёти жорий қилиниши;

Рақамли технологиялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан махсус ахборот тизимида киритилган ёшларни IT соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларга йўналтириш ва ишга жойлаштиришга қўмаклашиш чоралари кўрилиши белгилансин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К.Куранбаев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев),

Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгилансин.

6. 2024 йил 1 мартдан бошлаб: “Ёшлар дафтери” жамғармаси маблағларини ёшларни чет тиллари ва касб-хунарга ўқитиш мақсадларига йўналтириш амалиёти йўлга қўйилсин; ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича “Устоз” махсус платформаси ишга туширилсин ва дастлабки босқичда мазкур платформа орқали 250 минг нафар ёшлар қамраб олинсини таъминлансин;

ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун “Қизлар академияси” платформаси ишга туширилсин ва бу орқали ёш хотин-қизлар учун турли танлов, лойиҳалар, ўқув оромгоҳлари, стажировкалар ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев), Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (О.Парпиева) ва Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) белгилансин.

7. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омилли сифатида бизнес учун янада қулай шароитларни яратиш мақсадида “Бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури” доирасида 2024 йил якунига қадар:


комплекс қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали 2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилиш;

янги иш ўринларини яратиш орқали 5 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб Бош вазир ўринбосари — Ж.Қўчқоров белгилансин.

8. 2024 йил 1 июлдан бошлаб нуфузли халқаро брендлар билан ишлаб чиқаришни бошлаётган корхоналарга:

➤ Давоми 2-бетда



Буюк ўзбек йўли

Президентимиз раислигида 2024 йил 20 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ижтимоий ҳимоя миллий тизимини изчиллик ва самарадорлик билан амалга ошириш борасидаги устувор вазибалар белгилаб олинди. Танқидий-таҳлилий ва амалий руҳда ўтган ушбу йиғилиш асосида давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Жамиятимизда ижтимоий адолат ва инсон қадрини таъминлаймиз десак, бу янги тизимни жойларда самарали ишлатиб, муҳтож инсонларга мадад ва умид бағишлашимиз керак”.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА ЯНГИ МИЛЛИЙ ТИЗИМ

УНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ

— меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши;

— давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши;

— ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга эканлиги;

— давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши каби ижтимоий ҳуқуқлар белгилаб қўйилган;

— меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши белгиланган.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, мазкур соҳани ягона ендашув асосида ислоҳ қилиш зарурлигини яққол кўрсатди. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 июлдаги фармони билан соҳага оид 3 та муҳим

ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси; Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари; Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

➤ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ “ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛАБ-қувватлаш йили”да АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

халқаро стандартларни жорий этиш ва экологик сертификатлаш харажатларини қоплаб бериш тартиби жорий қилинсин;

уч йил давомида нуфузли халқаро брендлар остида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун зарур бўлган барча хом-ашёлар маҳаллийлаштириш даражасини камида 60 фоизга етказиш шарти билан божхона божидан озод этилсин;

нуфузли халқаро брендлардан жалб қилинган технолог, дизайнер, маркетинг каби мутахассислардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берилганлиги учун тўловлар ундирилиши бекор қилинсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб Савдо-саноат палатаси (Д.Вахобов) ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Қудратов) белгилансин.

9. 2024 йил 1 майдан бошлаб фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун янги мажбурий тўловлар ва йнгимларни фақатгина қонунида белгилаш амалиёти киритилсин.

10. Кенг жамоатчилик билан муҳокамаларда билирилган таклифлар асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) доирасида қўйиладиганлар;

2024 йилда мўлжалланган йўналишлар кесимидagi амалий тадбирлар режалари 1-5-иловаларга мувофиқ;

2024 йилда йўналишлар кесимида ишлаб чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхатлари 6-10-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, йўналишлар кесимида 2024 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–300-сон қарори билан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шaroнтлар яратиш йўналиши доирасида 2024 йилда:

Президент ва ихтисослаштирилган мактабларнинг билимларни баҳолаш тизими қўшимча 1000 та умумий ўрта таълим муассасаларида жорий қилиниб, фанлардаги амалий машғулотлар улуши 60 фоизгача оширилсин;

6,7 миллин нафар 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида юрак-қон томир, қанди диабет, ўпканинг суруналик обструктив касалликлари хавфини анқилаш бўйича профилактик кўриқлар ташкил этилсин;

7,5 минг нафар ёшлар замонавий касбларга ўқитилиши, халқаро имтиҳон тизимларида чет тиллари бўйича юқори балл олган 6 минг нафар ёшларнинг имтиҳон харажатлари қоплаб берилиши таъминлансин;

10 миллион нафар аҳолини югуриш, футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, миллий ва белбоғли кураш каби спорт турлари бўйича марафон ва мусобақаларни ташкил этиш орқали оммавий спортга жалб қилиш чоралари кўрилинсин;

2024 йилда Париж шаҳрида ўтказиладиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш учун камида 140 та лицензияни қўлга киритиш мақсадида 15 та олимпия ва паралимпия марказида ҳамда Тошкент шаҳри, Андижон ва Тошкент вилоятларидаги 14 та спорт базасида барча зарур шарoнтлар яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб тегишлинча Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худайров), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қасимов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) белгилансин.

12. Қўйидагилар:

а) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1 тадан туманида (шаҳрида) синов тариқасида “Менинг

мактабим” лойиҳаси амалга оширилсин ҳамда бунинг доирасида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мактабларга базавий ҳисоблаш микдорининг 150 баробарида маблағ ажратилиб, ушбу маблағ 5-11-синф ўқувчилари танловига кўра, электрон доска, компьютер, спорт жиҳозлари, китоблар каби мактаблар учун зарур товарларга сарфланиши белгилансин;

умумий ўрта таълим муассасалари директорларини менежерлик бўйича сертификациялаш тизими жорий этилсин. Бунда, директорларга малакавий талаблар аниқ белгиланиб, улар ҳар беш йилда бир маротаба аттестациядан ўтказилсин;

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида умумий ўрта таълим муассасаларида она тили ва адабиёт ҳамда тарих фанлари бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг миллий баҳолаш тизимида олинган тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган ва ушбу фанлардан дарс берувчи педагог кадрларга уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдориди ҳар ойлик қўшимча устама тўланиши белгилансин;

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) белгилансин.

13. 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб Қашқадарь ва Сурхондарь вилоятларида тажриба-синов тариқасида умумий ўрта таълим мактабларига олис ҳудудлардан қатнайдиган ўқувчилар учун авторсинг асосида бепул автобуслар қатнови йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Қашқадарь вилояти ҳокимлиги (М.Азимов) ва Сурхондарь вилояти ҳокимлиги (У.Қосимов) белгилансин.

14. 2024 йил якунига қадар эҳтиёждан келиб чиқиб, вилоятлар марказлари, шунингдек, Тошкент ва Нукус шаҳарларида камида биттадан оғир гематологик, онкологик ва клиник иммунологик касалликлари бор беморларга паллиатив ёрдам кўрсатувчи хоспислар ташкил этилсин.

Бунда, хосписларни ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятига доимий кўмаклашиш лойиҳалари учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худайров):

а) 2024 йил 1 майга қадар: 2025 йилдан бошлаб катта ёшдаги аҳоли орасида юқумли бўлмаган касалликлар хавфини омилиларининг тарқалганлигини ўрганиш;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) билан биргаликда 2026 йилдан бошлаб ўтказиладиган мактаб ўқувчилари орасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг тарқалганлик ҳамда уларнинг психологик ҳолатини ўрганиш бўйича режани белгилансин;

б) 2024 йил 1 декабрга қадар Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатиладиган давлат сизматлари сонини 17 тадан 24 гага етказсин ва бунинг доирасида фуқароларнинг онкологик, кардиологик ва эндокринологик скринингдан ўтиши натижаси, уларни даволаш учун ажратиладиган пуллар тўғрисида маълумот олиш имкониятини яратсин.

16. Иجتимоий ҳимомга мухтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

2024 йилда ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилиш техник воситалари билан таъминлашнинг янги тизими босқичма-босқич жорий қилинсин;

2024 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсия тайинлашда бир вақтнинг ўзида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пулни олиш билан боғлиқ харажатларни проактив тарзда амалга ошириш, ногиронлигини белгилашда эса, ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган имтиёзлар тўғрисида хабардор қилиш тартиби жорий этилсин;

2024 йил 1 декабрдан бошлаб ёлғиз яшаётган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида тегишли йўналишдаги нодавлат ташкилотлар орқали Иجتимоий ҳимоя миллий агентлиги маблағлари ҳисобидан иجتимоий хизматлар кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Иجتимоий ҳимоя миллий агентлиги (М.Оллоёров) ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О.Фозилкаримов) белгилансин.

17. Оғир атлетика бўйича миллий спорт мактабининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида 2024 йилда оғир атлетика бўйича барча ёш тоифасидаги спортчилар билан индивидуал ишлаш тизимини яратиш ҳамда уларни профессионал тайёргарлигини ташкил этиш учун Чирчиқ шаҳрида Оғир атлетика маркази ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қасимов) белгилансин.

18. Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналиши доирасида:

ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати 6 фoиздан кам бўлмаган даражада бўлишини, инвестициялар эса ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан камида 30 фоиз бўлишини таъминлаш чоралари кўрилинсин; иқтисодиёт тармоқларида қиймати 18 миллиард доллар бўлган 309 та йирик лoйиҳалар ишга туширилсин;

йиллик инфляция даражаси 9 фоизгача ва фискал тақчиллик 4 фоизгача бўлишини таъминлансин, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджетте тақчиллиги кўрсаткичларини пасайтириш чоралари кўрилинсин; иқтисодиёт тармоқларига 275 триллион сўм кредит ресурсларини йўналтириш, шу жумладан, 41 триллион сўмлик микромолия хизматлари кўрсатилиши таъминлансин;

банклар томонидан тақдим этиладиган кредит ставкаларини бозор механизмлари асосида 2-3 фоиз баъда пасайтириш учун зарур шарoнтлар яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Бош вазир ўринбосари — Ж.Қўчқоров ва Марказий банк (М.Нурмурадов) белгилансин.

19. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб давлат инвестиция дастурлари доирасида марказлашган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган йирик лoйиҳаларга саноат кооперацияси талаблари жорий этилсин.

Бунда, лoйиҳалар доирасида маҳаллий корхоналарда зарур маҳсулотларни ўзлаштириш ва харид қилиш тавсия этиладиган маҳсулотлар рўйхати, маҳаллий мутахассисларни жалб қилиш режаси ва уларга қўйиладиган талаблар назарда тутилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Қудратов) ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Б.Ходжаев) белгилансин.

20. Республикада “яшил иқтисодиёт”га ўтиш учун қўлай шарoнтларни яратиш ва “яшил энергия” манбалари салмоғини ошириш мақсадида:

а) 2024 йил 1 апрелга қадар: “яшил энергия” сертификатлари айланмаси бозор тамойиллари асосида йўлга қўйилиши таъминлансин;

халқаро иссиқхона гази савдоси бўйича лoйиҳаларни амалга ошириш тартиби тасдиқлансин;

б) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб иқлим ўзгариши соҳасида мониторинг, ҳисобот бериш ва текширишнинг замонавий тизими (MRV) ва маълумотлар базаси босқичма-босқич йўлга қўйилсин;

в) 2024 йил якунига қадар хорижий инвесторлар иштирокида Тошкент, Қашқадарь, Бухоро, Наманган ва Навоий вилоятларида умумий қуввати 2700 МВт. бўлган 6 та йирик қуёш электр станцияларини ишга тушириш таъминлансин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов) ва Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов) белгилансин.

21. Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиков) бир ой муддатда: уч ойдан ортиқ муддат мобайнида очиқ савдоларда сотилмаган давлат активларининг бошланғич баҳосини 50 фоизгача босқичма-босқич пасайтириш;

ер участкалари олти ой давомида сотилмаганда тўловнинг 15 фoизини уч ой муддатда, қолган қисминини 10 йил муддатда бўлиб тўлаш имкониятини яратиш бўйича амалий чораларни кўрсин.

22. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб чегара божхона постларида мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини расмийлаштириш бўйича карантин, санитария-эпидемиология осийишталик ва ветеринария соҳаларидаги назорат функциялари божхона хизмати органларига ўтказилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб Божхона қўмитаси (А.Мавлонов) белгилансин.

23. Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятида очиклик даражасини кескин ошириш ва корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида 2024 йил 1 июлдан бошлаб давлат улуши 50 фoиз ва ундан юқори бўлган йирик солиқ тўловчилар корпоратив иجتимоий масъулият (CSR) ҳамда экологик, иجتимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) ҳолати тўғрисида ҳар йили 1 июлга қадар ҳисоботни жамоатчиликка ошкор этиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Б.Ходжаев) ва Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиков) белгилансин.

24. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, экспорт ҳажмини қўлайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 октябрдаги “Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5262-сон қарориди назарда тутилган маҳсулотларга импорт божхона божининг ноль ставкасини қўллаш муддати 2027 йил 1 январга қадар узайтирилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Я.Хайдаров) ва Божхона қўмитаси (А.Мавлонов) белгилансин.

25. Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши доирасида:

2024 йилда “Яшил макон” умуммиллий лoйиҳаси доирасида камида 200 миллион туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда буталар қўчатларини, қаламчаларни экиш, республикада 444 та яшил боглар барпо этиш;

2024 йил 1 мартга қадар сув каналларини реконструкция қилиш ишларига Давлат бюджетидан қўшимча ажратилган 500 миллиард сўм маблағлар доирасида камида 1,5 минг километр йирик каналларни бетонлаш ишларини якунлаш чоралари кўрилинсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб тегишлинча Бош вазир ўринбосари — А.Раматов, Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Хамраев), Ҳисоб палатаси (А.Бобоев) ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов) белгилансин.

26. Мамлакатимизда чанг бўронларида қарши курашиш ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш доирасида:

а) 2024 йил 1 мартдан бошлаб: ҳудудларда чанг бўрони содир бўлаётганда ва атмосфера хавосида майда дисперс зарралари белгиланган нормадан юқори бўлгани аниқланганда аҳолини огоҳлантириш, юрак-қон томир ва нафас йўллари касалликларига чалинган ҳамда соғлиғи ҳавонинг ифлосланишига таъсирчанлиги юқори бўлган бошқа фуқароларни зарур профилактик чоралар тўғрисида доимий хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилсин;

ўчалми 500 метр квадрат ва ундан ортиқ бўлган қурилиш майдонларида, унга кириб-чиқш йўлларида чанг ва кум зарраларининг ҳавога қўтарилишини бартараф этиш бўйича мажбурий талаблар жорий этилсин;

Тошкент шаҳрида юк ташиш учун мўлжалланган, рухсат этилган тўла вазини 10 тоннадан юқори бўлган N2, N3, O4 тоннага кирувчи автотранспорт воситаларининг ҳаракати тнғиз вақт оралиқларида тақиқланган. Бунда, ушбу чекловлар махсус хизмат, шу жумладан, коммунал ҳўжалиги, ободонлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кўчаларнинг юк транспорт воситаларига таъбиқ этилмаслиги белгилансин;

б) 2030 йилга қадар Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида “ЕВРО — 5” ва ундан юқори стандартларига мувофиқ бўлмаган автомашиналар эксплуатацияси босқичма-босқич чеклансин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб тегишлинча Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худайров), Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги (Б.Закиров), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) ва Транспорт вазирлиги (И.Махкамов) белгилансин.

27. Кенг жамоатчилик вакиллари ва экофаолларнинг экологияга автомобиллар чиқинди газларининг зарарли таъсирини камайтириш учун Тошкент шаҳрида ҳар ойнинг бир иш куни давомида автомобиллар ҳаракатланишини (жамоат транспортлари, махсус ва шошилинч ёрдам хизматларидан ташқари) қисқартиришга қаратилган “Автомобилсиз кун” жамоатчилик лoйиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, биноси Тошкент шаҳрида жойлашган барча республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар ва бошқа ходимлари жамоат транспортда иш жойига келиши орқали намуна кўрсатиб борсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ш.Умурзаков) белгилансин.

28. Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши доирасида 2024 йил 1 майга қадар:

адашган ёшларни жамиятга интеграция қилиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёшларни пробация ҳисобидан чиқариш амалиёти жорий этилсин ва уларни профилактик ҳисобга олиш асослари кескин қисқартирилсин;

йўл ҳаракати қондалари бузилиши ҳолати юзасидан юбориладиган қарор ва хабарномалар бўйича Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон муaroжаат қилиш имконияти яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) ва Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) белгилансин.

29. Маҳаллани жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги таянч бўғинга айлантириш мақсадида:

2024 йил 1 апрелдан бошлаб “Ташаббусли бюджет” доирасидаги лoйиҳаларни ташаббускорлар, маҳалла раиси ва фаолларининг иш сифати юзасидан розилиги олинганидан кейингина фойдаланишга қабул қилиш тартиби жорий этилсин;

2024 йил 1 августга қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига “Ташаббусли бюджет” доирасида амалга оширилаётган лoйиҳалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан маълумотлар олиш, маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ажратилишини талаб қилиш ҳамда лoйиҳалар амалга оширилишини жамоатчилик томонидан мониторинг қилиш имконияти яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Я.Хайдаров) ва Ўзбекистон маҳаллаларни уюшмаси (К.Куранбаев) белгилансин.

30. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар дарамадлари ҳамда амалга оширилган ва режалаштирилаётган харажатлар бўйича молиявий ҳужжатларга асосланган йиллик ва ярим йиллик ҳисоботларни аҳоли эътиборига тушушун учун осон усулда ўз расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйсин.

31. “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўналиши бўйича Қуроли Кучлар, соҳага масъул бошқа вазирлик ва идораларнинг киберхавфсизлик ҳамда эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш бўйича салоҳиятини кескин ошириш мақсадида:

киберхавфсизлик инфратузилмасининг муҳим элементлари ҳисобланувчи ахборот тизимлари аттестацияси ва экспертизаси учун ҳар бир вазирлик ва идорада масъул шахслар жавобгарлиги белгилансин;

мазкур йўналишларда кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари ва ўқитиш методикаларини замонавий таҳдид ва тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш чоралари кўриб борилсин;

мамлакатимизнинг рақамли ва ҳарбий-тиббий инфратузилмасини такомиллаштириш, масъул идораларни замонавий техника ва тиббиёт аппаратуралари билан босқичма-босқич таъминлаш дастури амалга оширилсин;

фуқаролар шахсий маълумотларининг ҳимоясини кафолатли таъминлаш бўйича, шунингдек, банк ва тўлов тизимлари учун фирибгарликка қарши ва замонавий биометрик тизимлар жорий этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Мудофаа вазирлиги (Б.Қурбанов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) ва Марказий банк (Н.Саъдуллаев) белгилансин.

32.Қўйидагилар:

Стратегик исполхотлар агентлиги Адлия вазирлиги, Ҳисоб палатаси билан биргаликда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида йўналишлар бўйича амалий тадбирлар режалари бажарилишини, мақсадли кўрсаткичларга эришилишини ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лoйиҳалари ишлаб чиқилишини тизимли мониторинг қилиб борсин;

“Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” ҳаракати Давлат дастурининг амалга оширилишини, шу жумладан, жойларга чиқиб, жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда танқидий ўрганиб борсин ва натижалари бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

Давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” ҳаракатининг мазкур банд ижроси бўйича фаолиятига ҳар томонлама

Буюк ўзбек йўли

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА ЯНГИ МИЛЛИЙ ТИЗИМ

УНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикерининг биринчи ўринбосари,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Шу асосда мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб олинди:

- ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш;
- мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан, ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиклик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;
- аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;
- ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш;
- аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш;
- ижтимоий хизматларни аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиётини жорий этиш.

Шунинг учун ўтган қисқа даврда **ижтимоий сиёсат йўналишида қабул қилинган қонулар** сони **икки баробар кўпайди**. Бу борада 1992-2016 йилларда 24 та қонун қабул қилинган бўлса, 2017-2024 йилларда айни кўрсаткич 44 тани ташкил этмоқда.

Янги қонулар ижтимоий ҳиссийнинг турли соҳаларига тааллуққидир. Хусусан, охириги етти йилда меҳнатни муҳофиза қилиш ва аҳолининг бандлиги соҳасида — 11 та, ижтимоий таъминот ва ҳимоя соҳасида — 9 та, соғлиқни сақлаш соҳасида — 12 та, таълим соҳасида — 8 та қонун қабул қилинган.

Юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ана шу қамровдор ҳуқуқий асосга таянган ҳолда мунтазам такомиллаштирилмоқда. Айниқса, ижтимоий ҳимоя соҳасига давлат бюджетида ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётини ҳаллардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ташкилий асослар

Янги тахрирдаги Конституцияда белгиланган **“ижтимоий давлат”** тамойилларини инобатга олган ҳолда, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ҳамда мазкур соҳага илгор халқаро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизимини жорий этиш давр талабига айланди. **Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги** ташкил этилгани ҳудди шу долзарб талабга нисбатан ўзига хос ҳозиржавоблик ифодаси бўлди.

Ушбу агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органидир. Президентимиз 2023 йил 1 июнда қабул қилган **“Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармон билан агентликнинг:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш;
- вояга етмаган болаларни, аёлларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш;
- ёшлар, яққа-ёлғиз кексалар ва оғир ҳаётини вазиятга тушиб қолган оилалар билан ишлаш;
- ижтимоий таъминот дастурларини юритиш каби асосий фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 сентябрдаги **“Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорига эса ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳоли оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя манзиллиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг қўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш кўзда тутилган.



Қарор билан 2023 йил 15 октябрдан бошлаб дастлаб 28 туман (шаҳар)да эксперимент тариқасида ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишнинг янги тизими йўлга қўйилиши белгиланди. Бу ижтимоий хизматлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ижтимоий ходимлар гуруҳлари томонидан кўрсатилади.

Бунга қадар Президентимизнинг 2022 йил 25 июлдаги фармонида асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Ижтимоий сугурта жамғармаси** ташкил этилганини ҳам эслатиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Президентимизнинг 2023 йил 27 декабрдаги **“Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилганлиги муносабати билан айрим вазирлик ва идораларнинг аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш соҳасидаги функцияларини оптимallashtirish тўғрисида”**ги фармонида мувофиқ,



ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ 2030

Президентимизнинг 2023 йил 27 декабрдаги **“Ўзгалар парварishiга муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорига алоҳида тўхталish лозим. Қарор билан **ўзгалар парварishiга муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди**.

Ижтимоий ҳимоя миллий тизими ва парламент назорати

Маънавий-маърифий асослар

Миллий парламентимизнинг ижтимоий ҳимоя тизимида тутган ўрни ва аҳамиятини иккита йўналишдаги фаолияти билан баҳолаш мумкин. Биринчи йўналиш ижтимоий

соҳадаги кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, яъни қонулар ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан иборат бўлса, иккинчи йўналиш соҳага оид қонулар устидан парламент назоратини амалга оширишни назарда тутди.

Олий Мажлис палаталари ижтимоий соҳа бўйича ишлаб чиққан, қабул қилган ва маъқуллаган қонулар сони кейинги йилларда кескин ортгани ҳақида юқорида тўхталдик. Айни соҳадаги қонун ижодкорлиги жараёнлари узвий давом этмоқда.

Бунга битта мисол: Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 26 декабрда **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун қабул қилинган ҳамда Сенатга юборилди. Мазкур қонунда ҳам **ижтимоий ҳимоя нуқтаи назаридан** бир қатор энгилликлар ва имкониятлар мустаҳкамланган.

Хўш, қонундаги асосий янгиликлар нима-лардан иборат?

Биринчидан, ушбу қонун билан **“Ижара тўғрисида”**ги қонунга ижарачининг ногирон бўлиб қолганлиги ижара шартномасини туғатиш учун асос бўлишини бекор қилишни назарда тутувчи ўзгартiriшлар киритилмоқда.

Иккинчидан, **“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”**ги қонунда пенсионерга ҳисобланган, лекин унинг томонидан талаб қилиб олинмаган пенсия суммасини тўлаш муддатини ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача узайтириш, шунингдек, фуқароларнинг пенсия тайинлаш учун Адлия вазирлиги давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш ҳуқуқи назарда тутилмоқда.

Учинчидан, қонунда пенсиянинг энг кам миқдори энг кам истеъмол харажатлари даражасидан оид бўлмаслигини белгилаш, пенсиялар миқдорини йил давомида товарлар ва



Мазкур қонун янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат принципини амалга оширишга қаратилган. У кучга киргач, албатта, пенсионерларнинг моддий фаровонлигини янада юксалтириш, фуқароларнинг электрон давлат хизматларини мустақил равишда олиш имкониятини кенгайтириш, пенсия миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилишда инфляция даражасини ҳисобга олиш тизимини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижара муносабатларига оид ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Парламент назорати масаласига келсак, Қонунчилик палатаси томонидан биргина 2023 йилда ўтказилган 20 та “Парламент эши-туви”нинг 8 таси бевосита ижтимоий ҳимояга оид қонунчилик ижроси ҳолати таҳлилига бағъиланди. Ўтган йилда, шунингдек, соҳага тааллуққили масалалар юзасидан 15 та “Парламент сўрови”, 8 та “Ҳукумат соати” тадбирлари амалга оширилган.

Қонунчилик палатаси депутатлари 2020-2023 йилларда давлат органларининг мансабдор шахсларига 1244 та “депутат сўрови” юборган бўлса, шундан 513 таси **ижтимоий соҳа муаммоларига** тегишлидир. Шу муҳдат давомида халқ ноибларининг сайлов округларидаги учрашувлари асосида аҳоли томонидан **ижтимоий соҳага оид 18 минг 689 та масала кўтарилган ва шундан 8616 таси ижобий ҳал этилган**.

Ижтимоий ҳимоя адолатли бўлиши учун адолатли мониторинг муҳим!

Президентимиз йиғилишда ижтимоий ҳимоя соҳасида умумий ёндашув ўзини оқламагани, ҳар бир оила ва инсон тақдирига алоҳида профессионал ёндашиш лозимлигини қайд этиб, устувор йўналишларни белгилаб берди, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳам атрофлича таҳлил қилди. **Ўзбекистон 2021 йилда БМТнинг Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига қўшилгани тарихий воқеа бўлгани ва ундаги мажбуриятларни бажариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётгани эътироф этилди**.

Афсуски, эски ижтимоий ҳимоя тизимида одамларга умид бериш, ҳаётини яхшилаш, банд бўлишига қўмаклашиш энг охириги ўринга тушиб қолган экан. Ушбу соҳа 30 йил олдинги тизимда қилиб кетган, фақат давлат ажратган пулни тарқатиш билан шугулланган.

Бундай номақбул ёндашув айрим одамларни ўзини ўнглаб олишга эрим, ёрдам кутиб яшаши, боқимандаликка ўргатиб қўйган. Мисол учун, меҳнатга лаёқатли ки-шиларга ҳам нафақа тўлаб келинган. Но-гиронлиги борларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, касбга ўргатиш орқали ҳаётга қайтаришга етарлича эътибор берилмаган.

Шу билан бирга, вилоят ва туман ҳоким-лари ушбу шахсларга ёрдам бериш, уларнинг уюшмалари ва ташкилотлари билан мулоқот қилиш, шариот яратиш билан етар-лича шугулланмаётгани кўрсатиб ўтилди. Йиғилишда, шунингдек, ота-она меҳрига муҳтож болаларга ғамхўрлик масалалари кўриб чиқилди. Бугунги кунда ота-она қара-моғидан маҳрум болаларни эътибордан чет-да қолдирмаслик учун кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Шунга қарамай, қуйи бўғиндаги эътибор-сизлик оқибатида жойларда қаровсиз қолиб кетган болалар аниқланаётгани қайд этилди. Ҳозир уларга васийлик белгиланмоқда. Ота-онаси миграцияда бўлган, ноқулай ижтимоий муҳитдаги оилаларда тарбияланаётган, ру-ҳий-жисмоний ривожланишида муаммоси

бор болаларга ёрдам тизимини такомиллаш-тириш зарур.

Давлатимиз раҳбари ота-она меҳрига муҳ-тож болаларни тарбиялаш бўйича бир қатор вазифаларни кун тартибига қўйди. Хусусан, энди жойларда васийлик ва ҳомийлик маса-лалари, ота-она қарамоғидан маҳрум бо-лар билан маҳалладаги ижтимоий ходимлар шугулланади. Бунинг учун ҳокимликлар ҳузуридаги **Васийлик ва ҳомийлик комис-сиялари тугатилиб, 1 августдан уларнинг ваколати “Инсон” марказларига ўткази-лади**.

Етим ва назоратсиз қолган болаларни қарамоққа олиш бўйича **“Ихтисослашган туғинган оила”** тизими жорий этилади. Ихтисослашган 160 та таълим муассасасида босқичма-босқич **“ғамхўрлик” гуруҳлари** ташкил қилинади.

Ота-онасидан айрилган йигит-қизлар-га қўмаклашиш тизими ҳам ўзгаради. Энди **“Ёшларга қармоқлик”** дастури асосида уларни қўллаб-қувватлаш 23 ёшгача этиб белгиланади.

Ички ишлар тизимидаги Вояга етмаган-ларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари **“Ҳаёт мактаби” сифатида қай-та ташкил қилинади**. Улар тарбияси оғир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўйича комплекс хизмат кўрсатадиган мас-кана айлантирилади.

Маънавий-маърифий асослар

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш қўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ЯИМга нисбатан 2 баробар ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баробар кўпайди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларнинг парварishi билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Жорий йил 1 июндан ижтимоий ҳимоя-га муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгаради. Бунда эҳтиёжманд тоифани аниқлаш бўйича ме-зонлар ишлаб чиқилади ва уларнинг айнан қандай ёрдамга муҳтожлиги аниқ белгилаб берилди.

Бу ҳақда фикр юритганда Президентимиз-нинг 2023 йил 27 декабрдаги “Ўзгалар пар-варishiга муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига алоҳида тўхталish лозим. Қарор билан ўзгалар пар-варishiга муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Жумладан, ўзгалар парварishiга муҳ-тож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар-ни аниқлаш тартиб-таомилларини содда-лаштириш ва рақамлаштириш; ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида ташкил этиб, қамровини кенгайтириш; ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган шахслар са-ломатлиги ва турмуш сифатини яхшилаш орқали уларнинг ижтимоийлашувини таъ-минлаш; ижтимоий ҳимоя тизимида ҳу-сусий сектор иштирокини кенгайтириш; ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий аҳолидан келиб чиқиб табақалаштирилган ижтимоий хиз-матлар ва ёрдам кўрсатиш тизимини жо-рий этиш.

Эътибор беринг, давлатимиз раҳбарининг ижтимоий соҳага тааллуққили чиқишлари, фармон ва қарорларида ижтимоий ҳимоя тизимида хусусий сектор, фуқаролик жамия-ти, хусусан, маҳалла тизими иштирокини кенгайтиришга қайта-қайта ургу берилгани бежиз эмас. Чунки **ижтимоий ҳимояга эҳ-тиёжманд аҳоли учун айнан нодавлат но-тижорат ташкилотлар ва фуқаролик жа-миятининг бошқа институтлари, хусусан, маҳаллалар энг яқин елкадош тизимлар ҳисобланади**.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари Иж-тимоий ҳимоя миллий агентлигига вилоят ҳокимлари билан бирга барча маҳаллалар-да ижтимоий ходимлар фаолиятини таш-кил қилишни топширгани айни муддаодир. Шунингдек, протез воситаларини бериш, нафақа ва қаровсиз қолган болаларга васий-лиқни расмийлаштириш, ўзгалар парвар-i-шига муҳтож кексаларни ёлғиз деб эътироф этиш каби 49 та ижтимоий хизмат маҳалла-гача туширилиши белгиланди. **Маҳаллада ижтимоий хизматлар кўрсатиш электрон платформаси ҳам ишлаб чиқиладиган бўлди**.

Биз Президентимиз ташаббуси асосида ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга татбиқ этилаётган мутлақо янги Ижтимоий ҳимоя миллий тизимининг бир қатор хусусиятла-рига мухтасар тўхталдик. Бу ҳақда сўз бор-ганда, шунингдек, соҳадаги теран ислохот-лар ҳақида ахборот-тушунириш ишларини янада кучайтириш зарурлигини унутмаслик керак.

Ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд юрт-дошларимиз ўзларига қандай қўлайлик ва энгилликлар яратилганидан кўпинча хабар-сиз қолмоқда. Бунинг исботи сифатида дав-латимиз раҳбари нутқида келтирилган мана бу далил ва рақамларга эътиборингизни қара-тамиз:

“Ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат қамраб олинган бўлса-да, маҳалла-даги аҳоли уларнинг ярмидан ҳам бехабар. Масалан, ногиронлиги бор фарзандини парварishiлаш нафақасини олиши мумкин бўлган 33 минг ота-она ушбу имтиёздан фойдаланмаяпти”.

Бунинг учун тизимдаги саводсизликка тез фурсатларда барҳам бериш, барча дав-лат идоралари сайтларини ногиронлиги бўлган инсонлар учун қўлай шаклга келти-риш, ногиронлиги бўлган инсонлар ҳаёти ва эришган ютуқлари тўғрисида таъсирчан медиаконтент, фильмлар тайёрлаш, телека-налларда информацион, айниқса, болалар дастурлари эфирининг муайян қисмини сур-дотаржима, субтитр ёки “югурувчи сагр” билан намойиш этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож одамлар қалбида ўзига ишонча ва қатъият туғишсини оширадиган бадий асар-лар яратиш, маънавият ва маърифат тизи-мида айни соҳадаги тушунириш-тарғибот ишларига тубдан янгилаш ёндашиш тақозо этилади.

Янги ижтимоий ҳимоя миллий тизими-нинг яна бир ўзига хос хусусияти соҳадаги минтақавий ва халқаро ҳамкорлик самараларига бевосита тааллуққидир. Бу фик-римизни жорий йил 6-7 февраль кунлари Қатарнинг Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган “Ин-сон ҳуқуқлари нуқтаи назарида озик-овқат адолати: воқелик ва келажақ муаммолари” мавзусидаги халқаро конференция ишти-рокчилари халқимиз, давлатимиз, Прези-дентимиз Ўзбекистонда ва бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳар бир инсоннинг адолатли асосдаги ижтимоий ҳи-мояга бўлган ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлашга содиқ эканини эътироф этгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Маънавият сабоқлари



Жадидлар ўғити:

“Сенинг учун ўлмоқ менинг тирикликимдир”

Жадидчилик ҳаракатининг асосий ғояси маърифатпарварликдир. Бу ғоялар янги усулдаги мактаблар ташкил этиш ва улар учун дарсликлар яратишда ёрқин акс этган. Жадидларнинг аксари Ғарбу Шарқнинг илгор мамлакатларида таълим олиб келган тараққиқпарвар, маърифатли зиёлилар бўлиб, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳузулий шеърятни, ўрта асрларда яратилган фалсафий рисоаларни ўқиган ва уққан, бу билимини жаҳон маданияти ютуқлари билан бойитган инсонлар эди.

Шаҳло МИНГБОЕВА,
Навоий шаҳридаги 21-мактабга
таълим ташкилоти директори



Ватан озодлигини барча нарсадан устун қўйган адиб Абдурауф Фитратнинг “Туроним, сендан айрилмоқ — менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ менинг тирикликимдир... Мен сенинг учун тиридим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман. Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи! Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга”, деган сўзлари ҳеч бир даврда аҳамиятини йўқотмайдди. “Агар бизнинг ҳаёtimизни хурурият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз”, дейди яна бир жадид бобомиз Абдулла Авлоний.

Абдурауф Фитрат “Ўқитувчилар юртига” шеърда миллатни зулматдан халос бўлишга, эзгуликка чорлайди. Халқни, миллатни бало-қазолардан қутқарувчи олим илм, маърифат эканини таъкидлайди. Шунингдек, “Ўгут” шеърда миллатнинг саодати, бахти учун ватандошларни зийракликка даъват этади. Жаҳолатнинг қора пардасини маърифат билан тўзғитиб юборишга ундайди. Олимнинг бу қарашлари нафақат шеърларида, балки мақола ва драмаларида ҳам аксини топган.

Ўзбек адабиётида жадидчилик ғояларининг оташин тарғиботчиси сифатида кириб келган Абдулҳамид Чўлпон ижоди бошланишиданоқ халқчилик, маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган эди. У “Ватанимиз Туркистонда зирот ва деҳқончилик” мақоласининг биринчи қисмида деҳқонларнинг барча қулфатини англамасликдан, маърифатсизликдан деб билган бўлса, энди бунинг ўзга сабабларини кўради. Муаллиф ўзи ўртага ташлаган саволга деҳқонлардан қуйидагича жавоб олади: “Дуруст, зирот машиналари фойдалик

экан, аммо пул керак, бизнинг қўлимизда бўлса, нақд тайёр пул йўқдур... Пахта эхаск, гўзапоисига, бугдой эхаск, сомонига қарзимиз бадалига хўжайинларимиз — бойларга олиб бориб берамиз...”. Деҳқонларнинг аҳволини яқиндан кузатган Чўлпон мақоланинг иккинчи қисмини “Ай тараққиқпарвар ёшлар! Сиз ҳам ёсангизлар, ҳар вақт бечора мазлум деҳқонларни пулдорлардан, қўлиқдан қутулдурмоқ чоралари тўғрисида ёзинглар. Ҳаммадан ул-бул керак”, деган мурожаат билан якунлайди. Мақоланинг учинчи қисмида адиб халққа, ёшларга қарата бундай мурожаат қилади: “Ёзайлуқ, қариндошлар, зиротдан! Ёзайлуқ, қариндошлар, иқтисоддан! Алар бўлса, мактаб ҳам бўлур, илм ҳам бўлур. Деҳқонлар бойлар қўлидан, куллик — асирликдан қутулса, ҳаммаси бўлур...”.

Чўлпон маърифатни тараққиётнинг бирламчи шарти сифатида тушунган бўлса, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни илм-маърифат раванқининг асоси деб билди. Мазкур мулоҳазалардан адибнинг миллат илмли, маърифатли бўлиши йўлида тинимсиз курашгани

кўринади. Зеро, илм-маърифат халқни орзу-интилишларига, мақсадларига элтувчи ойдin йўлдир.

Маърифатпарвар аждодларимизнинг тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини ташкил этадиган ибратли фаолиятини, қадр-қиммати ва аҳамиятини ҳамон йўқотмасдан келаётган бой меросини ҳамкор давлатлар, халқроқ ташкилотлар ҳамда таниқли хорижлик олимлар билан биргаликда теран тадқиқ ва тарғиб этиш устувор вазифамиз бўлиши лозим. “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу ғоя билан майдонга чиққан жадид боболаримиз халқни жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, ғафлат ботқоғидан қутқаришнинг асосий йўли — маърифатда, дунёвий тараққиётни эгаллашда, деб билди. Шу билан бирга, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, молия, солиқ тизимлари, ер масалаларини тадрийжий асосда тубдан ислох қилиш учун ғоявий ва амалий ҳаракат қилди, миллий уйғониш, миллий тараққиёт ғоясини рўёбга чиқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этди. Ўша даврдаги вазият, ижтимоий тузум бу ултувор мақсадларни рўёбга чиқаришга йўл бермас эди.

Миллатнинг қадри насабу мартаба, салобату ҳашамат, ҳатто соҳа ва касб танламаслик билан ўлчанмоғи лозим. Фикримизга Ҳазрат Навоийнинг илм ва олим ҳақидаги ҳикматларида сўз юритилган уч тоифа ҳақидаги мулоҳазаси билан далил келтирамиз. Унга кўра, биринчи тоифадаги олим ўз илмидан дунёвий фаровонлик, мартаба учун фойдаланади. Бу тоифанинг иккинчи қисмини “Ай тараққиқпарвар ёшлар! Сиз ҳам ёсангизлар, ҳар вақт бечора мазлум деҳқонларни пулдорлардан, қўлиқдан қутулдурмоқ чоралари тўғрисида ёзинглар. Ҳаммадан ул-бул керак”, деган мурожаат билан якунлайди. Учинчи тоифа илмни халқ ва охирати учун ўрганади. Касби камолга етганида ундан халқ ва миллат баҳраманд бўлади. Навоий “Одами эрсанг, дематил одами, Онимки йўқ халқ ғамидан ғами”, деб бежиз ёзмаган эди.

Шундай ултувор тарихимизни ўрганиш ҳар биримизни маънавий уйғоқлик ва оғоҳликка чорлаб, қалбларимизда улуг аждодларимизга ҳос азму шижоатни юксалтиришда, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ инсонлар қилиб тарбиялашда йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди.

Нуқтаи назар

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАСЪУЛИЯТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?



Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг педагоглар ойлик маошини, жамиятдаги мавқенини ошириш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича ўз вақтидаги муҳим қарорлари тизимдан ёш олимлар қибчи кетишини тўхтати, олий таълим жамоаларида соҳанинг ривожланишига ишончни мустаҳкамлади.

Йиғилишда илгари сурилган ғоялар олий таълим муассасаларидан постидустриал жамият сўровларига жавоб берадиган истиқболли таълим тизимини яратиш, рақобатбардор кадр ва мутахассисларни тайёрлаш каби вазифалардан ташқари жамиятдаги интеллектуал салоҳиятни юзага чиқарувчи — маърифат драйвери бўлишни талаб этади, уларга ижтимоий масъулият юклайди.

Бугун замонавий университет кадрларни профессионал даражада тайёрлаш, илмий тадқиқот олиб бориш билангина чегараланиб, ривожлана олмаслиги муқаррар. Жаҳон инфомацонини ва ғоявий маконларида аҳоли, айниқса, ёшларга ўтказилаётган таъсир ва таъйикнинг мазмун ва шаклланишига қарши адекват фикрлайдиган, миллий ўзлигини англайдиган, мақсад ва келажagini тўғри тасаввур этадиган авлод тарбиясига дахлдорлиги ва бу йўналишдаги фаолияти олий таълимнинг учинчи муҳим миссияси бўлиб олдинга чиқади.

Университетлар жамиятда замонавий дунёқарашни шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга сезиларли таъсир ўтказиши керак, бу — тан олинаётган концепция. ОТМларнинг профессионал кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи муассаса эканидан ташқари, ўзи жойлашган ҳудуднинг маданиятига таъсир ўтказувчи маънавият ва маърифат, тарбия маскани сифатидаги роли ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб боради.

Олий таълим муассасалари ҳозир ҳудудларда ижтимоий ҳамкорлик доирасида амалий ишлар олиб бормоқда. Жумладан, мактаблар билан бирга лойиҳалар, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, ўқитувчиларга методик ёрдам, ўқувчиларни касбий йўналтириш, ўқув фанлари бўйича мактабларда маҳорат дарслари ташкил этипти. Университетнинг маҳаллалар



Ином МАЖИДОВ,
техника фанлари доктори, профессор

билан ҳамкорликдаги ишлари, маҳалла ёшлари иштирокидаги маънавий-маърифий, спорт йўналишларидаги тадбирлар, маҳалла ёшларининг олий ўқув юртига таширфлари уюштирилмоқда. Бундан ташқари, туризм соҳасида ҳудудлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар, касбга ўргатиш ўқув курслари ва бошқа қатор ташаббусларни ижтимоий ҳамкорлик намуналари сифатида айтиш мумкин.

Ўзбекистон Миллий университетида бир неча йўналишдаги ижтимоий ҳамкорлик ишлари қаторида “Амалий этнология” лабораторияси ташкил этилиб, тадқиқотлар олиб боришмоқда. Уларнинг натижалари халқроқ ва маҳаллий журналлардаги илмий мақолаларда, ОАВларда, ўқув-илмий адабиётларда, илмий ишларда хулоса ва тавсиялар тарзида ўз аксини топмоқда.

Маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда Ижтимоий иш кафедрасининг мактабларда психологик муҳитни тадқиқ этиш, социологик сўровлар натижалари таҳлили бўйича амалга оширган лойиҳа ва ташаббусларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Ўқувчилар учун психологик, мотивацион тренинглар, келажак мақсадларни аниқлашга қўмаклашувчи амалий машғулотлар олиб боришмоқда.

Биология ва экология факультетларининг ташаббускор талаба ёшлари ва профессор-ўқитувчилари томонидан Мўйнок туманидаги Орол денгизи бўйи ва қуриган ҳудудда университетнинг 1,3 гектар майдонга эга ўқув-илмий полигонлари ташкил этилди. Ўсимликлар экилиб, Қорақалпоқ давлат университети билан ҳамкорликда уларни тупроқ-иқлим шароитига мослаштириш тадқиқотлари олиб боришмоқда.

Бу каби ташаббуслар Инновацион ривожланиш агентлиги, тегишли ташкилотлар томонидан илмий лойиҳалар эълон қилиш йўли билан қўллаб-қувватланса, янада кўпроқ самара беради.

Муҳими, ижтимоий ҳамкорлик лойиҳалари университетимизга ўқув дастурларини бойитиш, ҳудудий, соҳавий муаммоларга боғлаш, амалиётларни мазмунли ва самарали ташкил этишга ҳам замин яратмоқда. Шу билан бирга, университетларнинг ижтимоий ҳамкорлик соҳасидаги фаолияти жамиятдаги долзарб масалаларга янада кенгроқ кириб боришни, айниқса, мавжуд илмий, интеллектуал, маданий-маърифий салоҳиятни сафарбар этишни талаб этади.

Университет ижтимоий масъулияти, деганда, биринчи ўринда, таълим муассасасининг жамият олдидаги масъулиятини тушуниш керак. Бунинг учун университет маънавият, илм, таълим, маданият ва маърифат ўчоғи бўлиш билан бирга, ижтимоий ҳамкорлик билан бир неча вазифаларни амалга ошириши зарур.

Аввало, жамиятдаги орзу-умидлар, интилишларни, ўзгаришлар ва ижтимоий жараёнларни, ёшларнинг қизиқиш ва мақсадларини илмий изланишлар, социологик ўрганишлар воситасида таҳлил қилиб бориш керак.

Аҳолининг турли қатлами, жумладан, ёшлар ўртасидаги ҳудудий-иқтимоий масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар, хулосалар, аниқ ечимлар ва таҳлилий материаллар тайёрлаш, университет билан бирга амалга ошириладиган ишлар бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш лозим.

Ҳудуд ва шаҳарларни ривожлантириш стратегияларига ҳисса қўиш, аҳолининг ҳуқуқий онги, билиминини ошириш, ижтимоий ва маданий муҳитга ижобий таъсир этиш, ёшларни илмга қизиқтириш, тадбиркорликка ўқитиш масалаларида маҳаллий бошқарув органлари, ташкилот ва муассасалар, иш бевурич корхоналар билан ҳамкорликда аниқ лойиҳаларни амалга ошириш, шаҳар ва ҳудудларни экологик ривожлантириш бўйича лойиҳалар, илмий экспертизалар тайёрлаш мақсадида мувофиқ.

Оқорида қайд этилган вазифаларни тизимлаштириш учун олий ўқув юртларининг ижтимоий масъулиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш тақлиф этилади. Бу таълим муассасасининг асосий ҳамкорларини белгилаб олиш имконини беради, шунингдек, узок муддатли ижтимоий ҳамкорликка асос яратди.

Бутунни кунда олий ўқув юртларига инсон ресурсларини ривожлантиришнинг пойдевори, катта ҳаётга қадам қўйган ёшларнинг билими, дунёқараш, маънавияти, ватанпарварлигини шакллантирувчи маърифат маскани сифатида жиддий эътибор қаратилиб, қўллаб-қувватланиши керак.

Энг муҳими, таълим, айниқса, олий таълим муассасалари жамоалари учун ўқитиш сифати билан бир қаторда ижтимоий барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, жамиятнинг ижтимоий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиш масалалари юқори малакали, ватанпарвар кадрлар тайёрлашнинг энг асосий вазифалари сифатида қабул қилиниши зарур.

Халқаро ҳамкорлик

Халқаро ҳамкорлик олий таълим муассасасининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб, жаҳон таълим тизимига интеграциялашувни таъминлаш, таълим, илмий, иқтисодий фаолият доирасини кенгайтириш учун замонавий шарт-шароит ва норматив базани яратишга муносиб хизмат қилмоқда.



Умид ТУРДИЯЛИЕВ,
техника фанлари доктори

Анджон машинасозлик институти мисолида оладиган бўлсак, айни пайтда мазкур муассаса Туркия, Италия, Германия, Португалия, Бельгия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Россия, Беларусь сингари давлатлардаги

80 дан ортққ олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик ўрнатган. Айниқса, Беларусь ва Хитой Халқ Республикасининг қатор нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Институт 2018 йилда Шимолий Хитой технологиялар университети билан алмашинув дастурларини амалга ошириш, ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ҳамда илмий лойиҳалар тайёрлаш бўйича меморандум имзолаган. Унга асосан, 2019 йилда машинасозлик технологияси, механика ва робототехника, сунъий интеллектуал тизимлар ва электрон ахборот муҳандислиги таълим йўналишлари бўйича бакалавриатурада “2+2”, “3+1”, магистратурада “1+1” моделлари асосида қўшма таълим дастури йўлга қўйилди. Мазкур қўшма таълим дастури доирасида ўтган ўқув йилида уч нафар магистр ва ўн тўттиз нафар бакалавр тайёрланиб, уларга икки томонлама диплом берилди. Бундан ташқари, беш йил давомида биргаликда илмий соҳада ҳам давлат грантлари қўлга киритилди, электротехника ва робототехника йўналишлари бўйича самарали лойиҳалар амалга оширилди, институтининг моддий-техник базаси яхшиланди.

Келгусида университет билан ҳамкорликда Анджонда қуёш элементлари, сув ва шамол генераторларидан олинаётган электр энергиясини истеъмолга татиқ қилиш жараёнида энергия самарадорлигини доимий



равишда кўтариб бориш учун керак бўладиган махсус SVG қурилмасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Институтигимиз, шунингдек, Пекин технологиялар университети ва Нанкин политехника институти билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Ўтган икки йил давомида кадрлар тайёрлаш салоҳиятини янада ошириш мақсадида илмий-педагогик ходимлар стажировка ўтади. Бундан ташқари, икки томонлама академик ҳаракатчанликни ривожлантириш мақсадида аспирантлар, магистрантлар ва талабалар алмашинуви, турли лойиҳалар амалга оширилди.

Мисол учун, институт қошида Нанкин политехника институти билан ҳамкорликда Хитой тилини ўрганиш ва “Yong Li” техник маркалари ташкил этилиб, Luban устахонаси фаолияти йўлга қўйилди. Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган бу каби ишлар таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнига халқроқ меъёр ва талабларни жорий этишга хизмат қилмоқда. Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш натижасида институтининг илмий салоҳияти сўнгги 5 йилда 18 фойздан 40 фойзга етказилди.

Мамлакатимиз келажагини етук ёш авлод барпо этади. Демак, уларга дарс бераётган мутахассислар кучли салоҳиятга эга бўлиши керак. Бугун институтида фаолият олиб бораётган 300 дан ортққ профессор-ўқитувчининг 19 нафари фан доктори, 92 нафари эса фан номзоди. Шунингдек, докторантурада 23 ихтисослик бўйича жами 156 нафар докторант, таънқ докторант ва мақсади изланувчилар илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Ўтган йили жами қиймати бир миллиард сўмликдан ортққ учта давлат илмий техника дастури доирасидаги илмий лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу маблаг ҳисобига иккита илмий лаборатория ташкил этилди. 11 та патент, 83 та дастурий таъминот учун ғувоҳнома олишга эришилди.

Шунингдек, Президентимизнинг яқинда Анджон вилоятига ташрифида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида институти қошида Муҳандислар мактаби ташкил қилинадиган бўлди. Унинг ташкилий тузилмаси ва фаолиятини замонга мос равишда олиб борамиз ва етук кадрлар тайёрлашда унинг ўрнини оширамиз.

Албатта, ислохотларнинг ижобий самаралари кишини қувонтиради, бироқ бу хотиржамликка асос бўла олмайди. Чунки ҳали амалга оширилган лозим бўлган вазифалар талайгина.

Маълумки, жорий йил 5 февраль кунини ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги фаолият

тига ҳам тўғталар экан, ютуқлар билан бирга, камчилик ва муаммоларни ҳам кўрсатиб ўтди. Сўнгги етти йилда олий таълимга камров кескин ошгани, соҳага ҳусусий сектор кириб келгани билан сифатга етарли даражада эътибор қаратилмаётгани танқид қилинди.

Олий таълим муассасаларига мақом беришининг аниқ мезонларини белгилаш, бакалаврият йўналишларини мақбуллатириш, таълим дастурларини дунёдаги 300 та энг яхши олийгоҳ дастури асосида янгилаш вазифаси қўйилди.

Хусусан, техника олий таълим муассасаларига 2024 йилда замонавий конструкция, технолог, архитектор, муҳандис, энергетик каби эҳтиёж юқори касблар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган муҳит яратиш масъулияти юкланди. Бинобарин, ҳар бир олий таълим муассасаси олдида улкан вазифа ва мажбуриятлар турибди. Нафақат таълим-тарбия сифатини ошириш, балки дунёнинг энг ривожланган таълим муассасалари тажрибасининг миллий ўқитиш тизимини қадриятларига ҳос жиҳатларини олиб тақомиллаштириш замон талаби бўлиб қолмоқда.

Бу борада илгари сурилган долзарб вазифалар ва уларнинг ижросини бажариш ҳамда салоҳиятимизни кўрсатиш бўйича жамоамиз билан биргаликда ўша кундадоқ қатъий йўлимизни белгилаб олдик. Ишонч билан айта оламизки, педагоглар, хусусан, институтигимиз педагогик жамоаси ана шу вазифаларни сидқидилдан ода этиш учун бор билим ва имкониятини ишга солади.

ЭҲТИЁЖ ЮҚОРИ КАСБЛАРИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАЙДИГАН МУҲИТ ЗАРУР

